

«Саҳиҳи Бухорий» шарҳи - хорижий нашрлар эътирофида



23:09 / 21.01.2023 1992

Малайзия Миллий университети қошидаги Ислом цивилизацияси институтининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими Камола Ҳасанованинг “Муқаддас китобга муфассал шарҳ” номли мақоласи эълон қилинди.

Мақола Имом Бухорийнинг яқинда ўзбек тилида чоп этилган “Саҳиҳи Бухорий” асари шарҳи китоби ҳақида бўлиб, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби ҳамда пойтахтда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилиши тарихи, улар фаолиятининг мақсад ва вазифалари баёни билан бошланган. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан буюк муҳаддис Имом Бухорий мақбарасини ободонлаштириш ҳамда зиёратгоҳини қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар тилга олинган.

“Янги нашрда “Саҳиҳ ал-Бухорий”нинг тўлиқ ва батафсил изоҳига эътибор қаратилган бўлиб, айрим ҳадисларга берилган шарҳлар юз саҳифага етган. Бу тақриз муҳаддислар султони ҳаёти ва фаолиятини, унинг энг ишончли ҳадислар тўпламини ҳар томонлама ўқиш ва ўрганиш, шунингдек, у ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Уни яратишда юзлаб

қўлёзмалар, тошбосма ва замонавий манбалардан фойдаланилган” дейилади мақолада. Айнан шу мазмундаги мақолани Туркиянинг SAHIPKIRAN стратегик тадқиқотлар маркази веб-сайти ҳам чоп этди. 2012 йилда Анқарада ташкил этилган марказ ички ва ташқи муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари устида иш олиб бориб, қатор халқаро лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Мазкур марказнинг ахборот ресурси ушбу китоб ҳақида мақола эълон қилган бешинчи хорижий нашр ҳисобланади.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎЗА